

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.ФЕРГУ

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайнни ва оригинал макет FarDU таҳририят-нашириёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Турция)
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHAHZADAH NAYYAR. (Япония)
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)
КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)
ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)
ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)
ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)
ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)
СОЛИЖНОВ Й. (Ўзбекистон)
МАМАЖНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)
ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)
МҮМИНОВ С. (Ўзбекистон)
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)
ФОФУРОВ А. (Ўзбекистон)
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)
УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.

Жўрабоева Г.

Мусахҳиҳ: Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60

Сайт: www.fdu.uz

Босишга руҳсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

Фарғона,
2021.

Н.Матхошимов, Э.Исаков

Фарона вилояти меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг бирламчи ногиронлиги сабаблари структураси.....203

А.Шерматов, А.Юсупова

Ўқувчиларнинг математика фанидан типик хатолари ва уларни бартараф этишнинг баъзи йўллари.....210

О.Турсунмуратов, Н.Қутлимуратов, Д.Бекчанов, М.Мухамедиев

Вермикулит асосида олинган ионитнинг физик-кимёвий хоссалари.....213

Х.Лутфуллаева

Тиббиёт талабалари инглиз тилини ўрганиш жараёнида мустақил таълим олиш кўнималари бошланғич даражасининг экспериментал тадқиқоти.....217

И.Аскаров, Д.Хожиматова

Таркибида ферроцен сақловчи суюқ азотли ўғитлар олиш.....222

А.Шарафиддинов

Фарона водийси қишлоқларида ҳалқ ғалаёнлари (XIX аср охири)226

А.Ғаниев

Тадбиркорлик маданиятининг ўзига хос ментал хусусиятлари.....230

Х.Мухаммедова

Шарлотта Бронте ижодида рамзлар тасвири.....233

Х.Хайтов

Фолчи ёки ромчи – кулги асарлардаги ҳажвий қиёфалардан бири.....236

Г.Умаржонова

Тилларда соматик сўзлар иштирокидаги фразеологизмларнинг шакланиши.....239

Л.Галимуллина

Инглиз ва ўзбек тилларида антропонимли фразеологик бирликларнинг қиёсий таҳлили.....242

И.Аҳмаджонов

Морфемик бирликларнинг вазифасига кўра таснифланиши.....245

М.Сайдакбарова

Мангуликка даҳлдор сўз.....249

Д.Қаландарова

Карл Райхл – ўзбек фольклори таржимони ва тадқиқотчиси.....252

И.Жўраев

Бурч ва масъулиятнинг бадиий-фалсафий талқинлари.....256

Ф.Анварова, Н.Тоирова

Жамиятнинг турли табақалари нутқида ишлатиладиган жаргонлар259

МОРФЕМИК БИРЛИКЛАРНИНГ ВАЗИФАСИГА КЎРА ТАСНИФЛАНИШИ

КЛАССИФИКАЦИЯ МОРФЕМНЫХ ЕДИНИЦ ПО ФУНКЦИЯМ

CLASSIFICATION OF MORPHEMIC UNITS ACCORDING TO FUNCTION

Аҳмаджонов Илҳомжон Тоҳиржон ўғли¹

¹Аҳмаджонов Илҳомжон Тоҳиржон ўғли

—Фарғона давлат университети таянч докторанти.

Аннотация

Мақолада морфемик бирликларнинг вазифасига кўра турлари, кўшимчалар таснифидаги ўзгаришлар ёритилган. Сўз ясовчи, муносабат шакллари, луғавий шакл ясовчи морфемаларнинг номланишига изоҳлар берилган.

Аннотация

В статье описаны изменения в классификации типов, суффиксов по функциям морфемных единиц. Даны пояснения к наименованию словообразовательных, реляционных форм, лексико-образующих морфем.

Annotation

This article describes the changes in the classification of types, suffixes according to the function of morphemic units. Explanations of naming of word-forming, relational forms, lexeme forming morphemes are given.

Таянч сўз ва иборалар: морфема, аффикс, синтактик шакл ясовчи, муносабат шакллари, деривацион морфема.

Ключевые слова и выражения: морфема, аффикс, средство образования синтаксической формы, формы отношения, деривационная морфема.

Keywords and expressions: morpheme, affix, syntactic forms forming means, forms of relations, derivational morpheme.

Морфемик бирликлар ўзбек тилида маъноси, вазифаси, шакл ва маъно муносабати, таркибига кўра турларга бўлинади. Морфем таҳлил олиб борилаётганда дастлаб унинг вазифаси эътиборга олинади. Лекин бу таснифланишда ўзак (етакчи морфема) ҳеч қайси таснифда ўрганилмайди. Чунки лексикология бўлимидаги бунга батафсил тўхталиб ўтилган. Шунинг учун етакчи морфема, яъни лексема алоҳида мустақил тил бирлиги ҳисобланади.

Морфемик бирликлар дейилганда, асосан, аффикслар эътиборга олинган, бироқ айрим лексик маъноси бўлмаган ёки гап ичida луғавий маъносини йўқотган бирликлар ҳам олимлар томонидан морфемик майдонга тортилган. Аммо морфемик бирликларнинг вазифасига кўра турлари таснифидаги мазкур бирликларга фикр билдирилмаган. “Табиатан систем-структур ҳодиса бўлган тил ва унинг морфем қурилиши тасвирида синтетик морфем воситалар қатори аналитик морфем воситалар, оралиқ, ёрдамчи воситалар ҳам ўз ўрнини ва изоҳини топиши керак” [1,14].

Биз ҳам ушбу мақолада фақат аффикс ҳолидаги морфемик бирликларга

эътибор қаратдик. Олимлар морфемаларни вазифасига кўра қуидагича таснифлашган: 1. Сўз ясовчи кўшимча. 2. Шакл ясовчи кўшимча. 3. Сўз ўзгартувчи кўшимча.

Ўзак ёки негизга кўшилиб, унинг маъноси билан боғлиқ бўлган, янги лексик маъноли сўз ҳосил қилишда иштирок этадиган кўшимчалар сўз ясовчи кўшимча дейилади: боғон, боғдорчилик, мардана, тузла.

Сўзниңг лексик маъносини ўзгартирмай, унга кўшимча маъно кўшадиган ёки унинг грамматик хусусиятини ўзгарирадиган кўшимчалар шакл ясовчи кўшимчалар дейилади: қизча, Салимахон, каттароқ, ўнта, айтилган, ёпилмаган каби.

Сўзниңг бошқа сўзларга муносабатини, алоқасини кўрсатадиган, унинг гапда маълум гап бўлаги вазифасини бажаришини таъминлайдиган кўшимчалар сўз ўзгартувчи кўшимчалар дейилади: совғам, совғанг, совғаси; боғда, боғни, боғдан; олганман, олгансан каби” [2,58].

“Шакл ясовчи аффиксларга феълнинг равишдош, сифатдош, отлардаги кўплік, тартиб сон шакли, феъл нисбатлари шакли, сўзларни кичрайтириш ва эркалаш

маъносини ифодаловчи аффикслар ва бошқалар киради”[3,45].

“Сўз ўзгартувчи аффиксларга эгалик, келишик ва тусловчилар (феъллардаги шахс-сон аффикси) киради”[4,46].

“Шакл ясовчи аффикслар янги сўз ҳосил қилмайди, маъносини кескин равища бошқа қилиб юбормайди, балки ҳар хил оттенкалар орттиради, модификация қилади. Ясовчилар лексик маъно билан боғланса, булар грамматик маънога эга бўлади”[4,83]. Шунинг учун сўз ясовчи қўшимчаларни грамматик қўшимча деб бўлмайди. Улар лексик маъно билан боғланади. “Шакл ясовчилар кичрайтириш, эркалаш, чегаралаш, камлик, ошириш, кучайтириш, гумон, тахмин, эмоционаллик кабиларни билдириш – асосий маънога шуларни қўшиш билан характерланади”[5,83]. Шакл ясовчи аффикслар сўзниг лексик маъносига эмас, грамматик маъносига таъсир қилади. Янги луғавий бирликнинг пайдо бўлиши юзага келмайди. Сўзга грамматик шакл сифатида қўшилади ва грамматик маъно ифодалашга хизмат қилади.

Олимлар томонидан аффиксларни таснифлаш турлича ҳолатни юзага келтирган. Айнан бир қўшимчанинг икки хил номланиши ёки икки хил вазифада келиши унга, яъни аффиксларга қайси тамойил асосида ёндашганлиги билан изоҳланади. Юқорида баён этилган шакл ясовчилар, сўз ўзгартувчилар кейинги давр тилшунослигига бошқа атама билан номлана бошланди. Олимлар дастлаб аффиксларни маъно ва вазифасига кўра учга бўлишган бўлса, ҳозирги таълим жараёнида иккига бўлиб ўрганилмоқда. “Қўшимчалар вазифасига кўра икки турли бўлади: а) сўз ясовчи қўшимчалар; б) шакл ясовчи қўшимчалар” [6,24]. Шакл ясовчи қўшимчалар ўз ичida яна иккига бўлинган: а) луғавий шакл ясовчи; б) синтактик шакл ясовчи. Луғавий шакл ясовчи атамаси шакл ясовчи термини билан алмашган бўлса, сўз ўзгартувчи термини синтактик шакл ясовчи атамаси билан алмашди. Синтактик шакл ясовчи атамаси ўрнида муносабат шакллари термини ҳам кўлланади.

Мактаб дарслигига луғавий шакл ясовчи қўшимчалар сирасига “отлардаги кўплик, эркалаш, кичрайтириш, ўрин ва пайтга хосликни ифодаловчи, қарашлилик, сифат ва равиш даражалари, соннинг

маъновий гурухларини ҳосил қилувчи шакллар, феълнинг вазифа шакллари, нисбат, бўлишсизлик кабилар киритилган” [6,26].

Муносабат шакллари сифатида эгалик, келишик, шахс-сон, замон, майл, боғлама кўрсатилади.

Академик лицей ўкувчилари учун чиқарилган дарсликда шакл ясовчи қўшимчалар “синтактик муносабат ифодалаш ёки ифодаламаслигига кўра икки гурухга бўлинган” [7,115].

Мазкур дарсликда муносабат шакллари деб эгалик, келишик, шахс-сон киритилган, холос. Замон, майл, исмларни кесимга хословчи шакллар четда қолган. Бу аффикслар ҳам сўзларни боғлашга хизмат қилади. Алоқага киритиш даражаси келишик, эгалик сингари фаол бўлмаса-да, сўзларни кесим сифатида шакллантириши бор нарса. Сўз кесим сифатида шакллангандан кейин, албатта, эга билан алоқага киришади. Боғлама, майл, замон шаклларида бундай ҳолат кузатилади. Масалан:

Навоийнинг зурриёдимиз,
Хоразмий авлодимиз,
Юртга тикиб ҳаётимиз,
Асрагаймиз биз ватанни.

(А.Собиров)

Ушбу парчада зурриёд, авлод сўзлари боғлама қўшимчаси билан шаклланган. Биринчи шахс кўплиқдаги эгани ўзига тобелантириш лаёқатига эга бўлди. Тўғри, мазкур парчада эга ифодаланмаган бўлса ҳам, боғлама қўшимчасига қараб буни англаш мумкин. Бундай ҳолат шахс-сон қўшимчасида ҳам юз беради, яъни эга ифодаланмаслиги мумкин, бироқ ўрни сезилиб туради.

Шавкат Раҳматуллаев морфемаларни вазифасига кўра қуидагича таснифлайди: “Морфемалар бажарадиган вазифасига кўра дастлаб лексема ясовчи ва шакл ҳосил қилувчилар деган икки гурухга бўлинади”[8,117]. Ҳозирги мактаб дарслигига ҳам шундай тасниф мавжуд. Фақат атамаларда ўзгачалик мавжуд. Лексема ясовчи атамаси ўрнида сўз ясовчи термини ишлатилади. Кўпроқ амалий тилшунослигда лексема ясовчи атамасига қараганда сўз ясовчи терминидан фойдаланилади.

“Шакл ҳосил қилувчи морфемаларнинг вазифаси – мавжуд

ИЛМИЙ АХБОРОТ

лексемага қўшилиб, унинг турли грамматик шаклларини ҳосил қилиш. Шакл ҳосил қилувчи морфемалар ўз навбатида икки хил: шакл ясовчилар ва шакл ўзгартирувчилар”[8,118]. Шакл ясовчи тушунчаси ўрта таълим муассасаларида, яъни тилнинг амалий ўрганилиши жараёнида кенгроқ маъно касб этади. Мазкур атама ўрнида луғавий шакл ясовчи термини юритилади. Шакл ясовчи сўз ясовчига зид тарзда қўйилади. Сўз ясамаган ҳар қандай қўшимча шакл ясовчи ҳисобланади. Олимнинг шакл ҳосил қилувчи қўшимчаларни иккита гуруҳга ажратиши тўғри. Бироқ шакл ясовчининг ичидаги яна шакл ясовчи атамасини қўллаш бироз ғализликни, атамалардаги шаклдошлини юзага келтирган. Шакл ўзгартирувчи термини ўрнида ҳозирги кунда синтактик шакл ясовчи кенгроқ қўлланилади.

“Шакл ясовчилар лексемага бошқа бир лексема билан синтактик боғланиш туфайли эмас, балки объектив воқееликка кўра маълум грамматик маънони ифодалаш талаби билан қўшилади. Шакл ўзгартирувчи морфема лексемага бошқа бир лексема билан боғланиш туфайли бирикади ва ўша лексеманинг табиатига кўра танлаб қўшилади. Шакл ўзгартирувчи морфема синтактик вазифа бажаради, дейиш қисмангина тўғри. Масалан, келишик морфемаси синтактик вазифа туфайли қўшилади, синтактик вазифа кўрсаткичи ҳисобланади. Нисбатловчи (эгалик қўшимчаси) ҳам шакл ўзгартирувчи, лекин синтактик вазифа кўрсаткичи эмас” [8,118]. Олимнинг мазкур фикрлари қўшимчаларни олган сўзларнинг синтактик вазифаси жиҳатидан олиб қаралган. Синтаксис факат гап бўлакларининг текшириш объекти эмас. Унда сўз бирикмаси, гап ҳам ўрганилади. Бунда эгалик қўшимчаси ўз вазифасига эга. Сўзларни тобе ҳокимлик муносабатида эгалик шакли фаол иштирок этади. Эгалик аффиксининг гапда синтактик вазифа ифодаламаслиги қўшимчаларнинг қўшилиш ўрнига ҳам боғлик. Эгалик қўшимчаси муносабат шакллари ичидаги асосга энг биринчи бирикувчи бирлик. Бу ҳолатда синтактик муносабатни, албатта, эгалик юзага келтирмайди. Агар эгалик қўшимчасидан сўнг бошқа ҳеч қандай келишик шакллари келмаса, бу аффикс ҳам синтактик вазифани бажариши мумкин.

Олимларнинг сўз ясовчидан бошқа қўшимчалар ҳақидаги фикрлари бирбиридан фарқланишини юзага келтирмоқда. “Шакл ясовчи қўшимчалар ўз хусусиятига қараб икки турга бўлинади: 1) категориал шакл ясовчилар; 2) нокатегориал шакл ясовчилар.

Категориал шакл ясовчи қўшимчалар сўзларнинг ўзгариши билан боғлиқ бир бутун системани ташкил қилган грамматик шаклларни ҳосил қиласди ва улар маълум грамматик категорияларга, парадигмаларга бирлашади. Жумладан, от ва отлашган сўзларга хос грамматик сон, эгалик ва келишик шаклини ясовчи қўшимчалар; феълларга хос шахс-сон шакллари, замон шакллари ва улар билан боғлиқ майл шаклларни ясовчи қўшимчалар категоиал шакл ясовчи қўшимчаларга киради” [9,155]. Аффиксларни уларнинг бажарадиган вазифасига қараб таснифлашда уларнинг категоиия ташкил қилиш ёки қилмаслиги аҳамиятга эга эмас. Чунки грамматик категоиия сифатида сон шакли, феъллардаги нисбат шакллари, бўлишибўлишсизлик кабилар ҳам ўрганилади, лекин уларнинг вазифаси сўзларни боғлаш эмас. “Муайян маъно умумийлиги остида бирлашган ва ўзаро бу маънониинг парчаланиши, хусусийлашуви асосида зидланадиган шакллар системаси грамматик категоиия ҳисобланади” [9,144]. Демак, қўшимчаларни грамматик категоиия томонидан унинг бажарадиган вазифасига қараб ажратиши тўғри бўлмайди. Грамматик категоиия бошқа тушунчани билдиради, синтактик шакл ясовчи бошқа тушунчани ифодалайди.

“Морфемалар функционал-семантик хусусиятига кўра икки гуруҳга бўлинади:

- 1) деривацион морфема;
- 2) грамматик морфема.”

Деривацион морфема сўзга қўшилиб, янги сўз ҳосил қиласди. Янги сўз янги луғавий ва грамматик маънога эга бўлади”[9,122].

Деривацион морфемани содда қилиб айтсан, сўз ясовчи. Бу ерда атама ўзгарган, холос, қоида ва мисоллар бир хил.

“Грамматик морфема асосий хусусиятига кўра учга ажратилади:

- 1) луғавий шакл ҳосил қилувчи морфема;
- 2) синтактик шакл ҳосил қилувчи морфема;

- 3) луғавий-сintактик шакл ясовчи морфема.

Луғавий шакл ҳосил қилувчи морфема лексема луғавий маъносини нутққа мослаштириш вазифасини бажаради. Масалан, китоб лексемасининг семесасида бирлик ва кўплик маъноси номаълум. Сон луғавий шакл ясовчиси бўлган –лар уни кўплик томон мойиллаштиради. Бу морфеманинг ўзига хос тури луғавий-сintактик шакл ҳосил қилувчи морфема бўлиб, луғавий маънони муайянлаштириш, нутққа ҳослаш билан бирга (келган), (ўқигач), сўзни сintактик алоқага киритади: ўқиган бола, ўқигач гапирмок” [9,122]. Мисолларда келтирилган –ган ва –гач аффикслари ҳам сintактик муносабатни, ҳам сўзга грамматик маъно бериш вазифасини бир пайтда бажармоқда, деган хulosани келтириб чиқаради. Агар мазкур фикрларни инобатга оладиган бўлсак, бундай ҳолатларни сўз ясовчи қўшимчаларда ҳам кузатишими мумкин. Масалан, куз лексемаси кийим лексемаси билан ҳеч қандай воситаларсиз боғдана олмайди. Куз лексемасига –ги сўз ясовчи қўшимча қўшилгандан сўнг улар ўзаро боғдана олади. *Кузги кийим*. Ёки

мақтан бола бирикуви на мазмунан на грамматик томондан боғланди. *Мақтандоқ* бола бирикуvida мазмунан боғланиш мавжуд. Мазкур ҳолатларни инобатга олган ҳолда яна бир янги терминни тилшуносликка олиб кириш мумкин. Бироқ бу, ўлчамнинг, қўшимчаларнинг энг характерли таснифига мос келмайди. Қўшимчаларнинг вазифасига кўра таснифлашда асосий мезон сифатида белгиланган меъёrlар хиралашиб қолади. Бир пайтнинг ўзида битта морфема, яъни қўшимча турли хил вазифаларни бажариши мумкин, лекин бу ҳолат ҳамма тил бирликларида кузатилади. Мана шундай ҳолатларни аралаштириб юбориш натижасида тилда турли хил мунозарали, баҳсталаб фикрлар юзага келмоқда. Бу эса ўқувчиларнинг тилни соғ ҳолда тушунишларига бироз салбий таъсир қилмоқда.

Демак, морфемаларни вазифасига кўра ўзига хос хусусиятларини алоҳида-алоҳида ёритиш, уларни бирлаштирувчи ва фарқли ҳолатларини изоҳлаш орқали чалкаштирмаслик, аниқ хulosага келиш мумкинлигини кўрсатади.

Адабиётлар:

1. Мирзақулов Т. Грамматика ўқитишнинг лингвистик асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1994.
2. Асқарова М, Қосимова К., Жамолова Ҳ. Ўзбек тили. – Т.: Ўқитувчи. 1976 .
- 3..Асқарова М., Абдураҳмонов Ҳ. Ўзбек тили грамматикасининг практикуми. -Т.: Ўқитувчи, 1972.
4. Ўзбек тили грамматикаси. II том. - Т.: Фан,1975.
5. Маҳмудов Н., Нурмонов А., Собиров А., Набиева Д. Тасвир. 6-синф.. – Т.,2017.
6. Ҳозирги ўзбек адабий тили. А.Нурмонов ва бошқалар. Ўқитувчи. – Т., 2015.
- 7..Рахматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. – Т.: Университет, 2006.
8. Сапаев Қ. Ҳозирги ўзбек тили (морфемика, сўз ясалиши, морфология). – Т., 2009.
- 9..Сайфуллаева Р. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: Фан, 2006.

(Тақризчи: А.Мамажонов – филология фанлари доктори, профессор)